

**Д.М. Файзуллаева,**  
**“Иқтисодий педагогика” кафедраси доценти,**  
**М.Қ. Абдуллаев, магистр ТДИУ**

## **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ**

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида амалга оширилаётган ишлар замирида фарзандларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялаш орқали юртимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйиш, унинг буюк келажагини бунёд этишдек эзгу мақсад ётади.

И.Каримов ўз сўзларида **“Ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топиши, салоҳиятларини эркин намоён эта олишлари ва уларни иш билан таъминлаш доимо давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг асосий вазифаси меҳнат бозорининг узлуксиз равишда ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ, шунингдек, кичик мутахассиснинг аниқ касбий малака даражасига юқори талаблар қўювчи бозор иқтисодиётига ўтилишини ҳисобга олиб, юқори малакали ва рақобатбардош кичик мутахассисларни тайёрлашдан иборат”<sup>1</sup>** – деб айтиб ўтадилар.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “...биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳатчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳатлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳатларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир”<sup>2</sup>.

Бўлажак кичик мутахассис – коллеж битирувчиси шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ҳозирги замон масалалари доирасида амалий таълим жараёнида талабаларнинг фаол фаолиятларини ташкиллаштириш муаммоси муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

<sup>1</sup>Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. 6-бет.

<sup>2</sup>И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь.

Шу боис глобаллашув шароитларида мустақил равишда қарор қабул қила оладиган, мақсадларни белгилай оладиган ва амалга ошира оладиган, ўз фаолиятни онгли баҳолай оладиган фаол шахсни шакллантириш муаммоси долзарб бўлиб бормоқда.

Таълим жараёнини ривожлантирувчи технологиялар асосида ташкил этилишини таъминлаш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Энди ўқитувчи фақат билим бериш ва амалий кўникмани шакллантириш билан чегараланмасдан ўқувчиларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиши керак.

Таълим жараёнини ривожлантирувчи технологиялар асосида ташкил этиш педагогдан катта маҳорат талаб этади. Ривожлантирувчи технологиялар ўқитувчидан нафақат ўқувчиларга билим бериш, уларда амалий кўникмаларни шакллантиришни, балки уларнинг шахсини ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Бунда таълим берувчи билан таълим олувчининг бир-бирига ўзаро ишонч, ҳамкорлиги ва жонли мулоқоти орқали эришилади. Ривожлантирувчи технологиялар таълим жараёнида бошқача ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчи ва фанга нисбатан ўз муносабатини ўзгартиришига тўғри келади.

Педагог таълим олувчи шахсни ҳурмат қилиши, мулоқотнинг буйруқбозлик усулидан воз кечиб, уни рағбатлантириши, бажарган ишлари фойдали эканини таъкидлаши зарур. Мақсад ўқувчида аввалдан белгиланган хусусиятларни шакллантириш эмас, балки ўз-ўзини англаши, ўзлигини намоён этиши учун имкон беришдир.

Анъанавий таълим мажбурийликка, ўқитишни қаттиққўллик асосида ташкил этишга асосланган бўлиб, бунда таълим олувчилар деярли мустақил фаолият юритишмайди ва уларнинг ташаббуслари бостирилади. Анъанавий ўқитишда ўқувчининг ўқув фаолияти ижодий характерга эга бўлмайди.

Биз касбий маҳоратимизни, фақатгина таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини назорат қилишга эмас, балки билим, кўникма ва малакаларни билиш ва қўллашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этишга малакали ҳаракатларимиз билан ёрдам беришимиз учун, уларнинг фаолиятини ташхис қилишга йўналтиришимиз керак.

Ривожлантирувчи технологиялар, ўз моҳиятига кўра, таълим жараёнининг барча қатнашчилари тўлақонли ривожланишини назарда тутаяди. Бу эса нафақат таълим олувчинини тайёргарлигини, унинг қобилиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишга дифференциялашган ёндашув, балки таълим олувчининг психологик касбий ва шахсий хусусиятларини ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиш ҳамдир.

Ривожлантирувчи технологиялар ва уни амалга оширишга республикамиз ўрта махсус, касб-хунар таълими мустақил ва эркин фикрлайдиган ташаббускор, иродали кичик мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Шунингдек, коллежларда таълим-тарбия жараёнини юқори даражада ташкил этиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг қизиқиши, хоҳиш-истаги ва эҳтиёжига қараб, касб-хунарга тайёрлаш асосий мақсад этиб қўйилган. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари кичик мутахассисларни бозор иқтисодиёти талаб ва эҳтиёжлари асосида тайёрлаш, тайёрлов йўналишлари

бўйича давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, келажакда мустақил фаолият юритиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Аммо замонавий таълим жараёнини жадаллаштириш шароитида бунга фақат анъанавий воситаларни қўллаш йўли билан эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатда фақат фаол ўқитиш усуллари, жумладан, педагогик ва услубий бирлашмада кенг қўллаб-қувватланишни олган, ишбилармон ўйинлар тан олинади. Уларни қўллаш, ақлий қийинчиликларни чақирувчи, билиш истагини уйғотувчи, янги билимларни мустақил ва фаол ўзлаштириш учун шароит яратувчи билиш-изланувчан хусусиятдаги вазифаларни бериш талабаларнинг ижодий мустақил ишларини ташкиллаштиришга имкон беради.

Мутахассиснинг касбий тайёргарлиги самарадорлиги дастурда, ўқитиш методикасида, ўқув адабиётларида ва кўргазмали материалларда ифода қилинган ўқув материали тузилишига боғлиқ бўлади. Бироқ замонавий шароитларда, янги мутахассисликлар пайдо бўлишининг ўсиши, уларнинг касбий фаолияти мазмунини ҳисобга олиш асосида ушбу муаммо ечимини тизимли ёндашув асосида ҳал этиш муҳим.

Бундай шароитларда ўқувчилардан қобилиятларни ностандарт ҳолатларда фикрлаш асосида ривожлантириш, ўз устида тизимли, ғайратли ишлаш кўникмаларини ривожлантириш талаб этилади.

**Таълим бериш** ўзлаштиришнинг ташкиллаштириш шакли бўлиб, у ўзида ёшларга ижтимоий ҳосил бўлган тажрибаларни етказиш йўллари ва ташкиллаштириш тизимини ифодалайди.

**Ўзлаштириш** эса, ўқувчилар томонидан ижтимоий тўпланган тажрибани қайта такрорлашдир.

**Ривожланиш** шахс томонидан тўпланган ижтимоий тажрибани ўзлаштириш (ўзиники қилиб олиш) орқали амалга оширилиб, шахс томонидан эгалланаётган қобилиятлар, фаолият турлари даражаси ва шаклида сифатли силжишлар билан хусусиятланади.

Билиш фаолиятининг бир неча босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин: символли-намоёшли таълим, фаолиятли ёндашув асосидаги таълим. Замонавий таълим технологиялари тадқиқотлари шахсга йўналтирилган таълимни аниқлаш имконини берди ва буларга ишбилармон ўйин, муаммоли, дифференциаллашган, индивидуаллаштирилган, компьютерли, модулли таълим технологиялари тааллуқлидир.

Ривожлантирувчи технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш қуйидаги тамойилларга таянади:

- шахснинг мавқеи тан олинади, субъектив тажриба тарқатувчи сифатида ўқувчи фаол қатнашади ва ўз-ўзини баҳолайди;
- таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг субъектив тажрибаси кўзда тутилади;
- ўқувчининг шахс сифатида ривожланиши фақатгина унинг меъёрий фаолияти билан шуғулланишдангина қониқмайди, доимий равишда тажриба орттириб, қобилиятини ривожланиш манбаисини кенгайтириб боради.

**Ривожлантирувчи технологиялар асосидаги таълим мазмуни.** Ҳозирги таълим мазмунидаги анъанавий тадбирлар шахснинг ҳар томонлама

ривожланишини тўлиқ таъминлай олмайди. Шахсга йўналтиришнинг қийинлашиб қолганига ўқув режалар, дастурлар мураккаблашгани ҳам сабаб бўлади. Таълим жараёнига ўзгартириш киритилиб, бир касб соҳасида турли хил мутахассисликлар ташкил этиш керак бўлади ва шундай қилиш лозим.

***Ривожлантирувчи технологиялар асосидаги таълимнинг асосий – назарий ҳолатлари:***

(1) таълим жараёнини тузиш ва амалга оширишда шахсга мақсад, субъект устунлиги, натижа ва унинг самарадорлигини асосий мезондек йўналтириш;

(2) таълим жараёнининг барча иштирокчилари тўлақонли ривожланиши;

(3) таълим бериш жараёнини шахспарварлаштириш ва табақалаштириш: касбий тайёргарлик йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари талабларига риоя қилган ҳолда таълим олувчи шахсини ривожланиш йўлига йўналтириш;

- таълим олувчининг психологиявий-физиологик хусусияти;

- ҳар бир таълим олувчи учун таълим ўқув дастурларига нисбатан шахсий хусусият ва ўқитиш таъсири остида унинг ривожланиш ўзгарувчанлигига, имкониятларига мос равишда мослашади;

- унга ўзининг билими, ўзини аниқлай олиши, ўзининг ривожланиши ва ўзини амалга оширишига ёрдам кўрсатиш.

(4) таълим олувчиларнинг психологик-касбий ва шахсий хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш;

Таълим олувчини нафақат касбий сифатда, балки шахс сифатида ўзи ривожланишининг умумпедагогика малакаларини ривожланиши технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу мақсад, ўқитиш ва шахсий ривожланиш таълим берувчи ва таълим олувчи учун ҳаётий ва касбий моҳиятга эга бўлганда, ушбу фаолиятга мустақам қизиқиш уйғонганда, ўқитиш ва ривожланиш шахсининг ҳаётий эҳтиёжига айлангандагина эришилган, деб ҳисоблаш мумкин.

(5) таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг шахсий қизиқишларини таъминланиш.

***Таълимга шахсий йўналишли ривожлантиришли ёндашув қуйидагиларни англатади:***

1) таълим жараёнини амалга ошириш ва лойиҳалаштиришда шахсни мақсад, устувор субъект, натижа ва самарадорликнинг бош мезони сифатида кўзда тутиш;

2) таълим жараёнининг ҳамма иштирокчиларини тўлақонли ривожлантириш;

3) таълим жараёнини алоҳидалаштириш ва дифференциациялаш: Давлат таълим стандартлари талабларига риоя этишда таҳсил олувчи шахсини ривожлантиришнинг алоҳида траекториясини кўзда тутиш;

4) таҳсил олувчиларнинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятлари, қобилиятларини ҳисобга олиш;

5) таълим жараёни қатнашчиларининг шахсий-мотивли фаолиятини таъминлаш.

### **Муаммоли таълим.**

Бу ўқитувчи томонидан ташкил этилган талабаларнинг муаммоли таълим мазмуни билан ўзаро фаол муносабатлари усули бўлиб, унинг давомида талабалар илмий билимнинг объектив зиддиятлари ва уларни ҳал этиш усуллари билан танишадилар, танқидий фикрлаш, мустақил билимлар олиш ва ижодий ўзлаштиришни ўрганадилар. Билимларнинг пухталиги ва уларни амалиётда ижодий қўллаш фикрлашнинг алоҳида усулини таъминлайди.

Ўқитишнинг энг асосий шарти талабаларни амалий фаолиятга, яъни ўйинга, меҳнатга жалаб қилиш ҳисобланиб, бу жараёнда бирор нимани (“ўрганишни истайман”, “буни қилишни истайман”) эгаллашга эҳтиёж пайдо бўлади. Бунда талаба ўз ўқитишнинг субъекти бўлиб боради.

Таҳсил олувчиларнинг ўрганиш манфаатлари уларнинг шахсий мотивацияларини шакллантиради, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириб, диалектик фикрлари шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради, ўрганилаётган ҳодиса ва қонуниятлардаги янги алоқаларни аниқлашларини таъминлайди.

Ҳамкорликдаги таълим ўқитувчи ва талабанинг субъектли муносабатларида ҳамкорлик, тенглик, ошкораликни амалга ошириш, лойиҳани ишлаб чиқиш ва эришилган натижаларни баҳолашда гуруҳий ва жамоавий фаолиятни кўзда тутди.

Индивидуал мустақил иш → гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш ҳамкорликда ўқитишда ўрганиш жараёнининг диалектик ўзаро алоқаси шундан иборат.

**Амалга ошириш шартлари:** Ўқитувчи фикрининг ўзгариши:


➤ талабалар билан янги асосий) ўзаро таъсирлашиш қобилияти ва тайёргарлиги;

➤ шахсий тенглик ва ҳурматга, тўлиқ мулоқот ва ўзаро тушунчага асосланган ўзаро муносабатларга ўтиш;

➤ таълим жараёни иштирокчиларининг янги ўзаро таъсирлашиш шакллари амалга ошириш: ўқитувчи – гуруҳ – талаба, ўқитувчи – талаба.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, фаол ўқитиш усуллари кўллаш анъанавий таълим жараёнининг бир хиллигини ўзгартиради, талаба маърузада айтилганларни қайта тиклайди ва бунда фаол мустақил ишлашга йўналиш пайдо бўлмайди. Натижада талабалар, назарий ўрганиб, билимларни амалда қўллаш олмайдилар.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда амалий таълимда ривожлантирувчи таълимнинг алоҳида ўрни мавжуд. Ривожлантирувчи таълим, узлуксиз таълимнинг давлат миқёсидаги муҳим вазифаси сифатида қаралаётган бир пайтда, жамиятимиз босқичма-босқич ривожланишининг ҳал қилувчи томонларидан биридир.



**Расм. Таълим бериш хусусиятлари**

Айтиш жоизки, мустақиллик йиллари мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, малакали мутахассисларни етиштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида этибор қаратилди. Бундай ёндашув мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий этишига ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллашига асос яратди.